




XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 17-SENTYABR, SHANBA, 39 (671)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

Устувор вазифалар белгиланди

Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 16 сентябрь куни Жиззах вилоятига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев сафар давомида вилоятнинг Жиззах шаҳри, Пахтакор, Зафаробод, Дўстлик туманларида бўлди.

Жиззах вилояти фаоллари билан бўлиб ўтган йиғилишда давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг Ватанимиз озодлиги, юрт равнақи, тинчлигини таъминлаш борасидаги фаолияти, беқиёс хизматлари алоҳида қайд этилди. Халқимиз қалбидан чуқур жой олган бу буюк сиймонинг ҳаёт йўли бугунги ва келажак авлод учун ибрат мактаби вазифасини ўташи таъкидланди. Сўнгги чорак аср мобайнида эришилган оламшумул ютуқларимиз қўламини янада ошириш барчамизнинг бурчимиз эканига алоҳида ургу берилди.

Шу билан бирга, танқидий руҳда ўтган мазкур йиғилишда вилоятда sanoat соҳасининг ривожла-

ниши, етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва кузги галла экиш мавсумининг боришига доир масалалар таҳлил этилди. Иқтисодиётда олиб борилаётган ислохотларни изчил ривожлантириш борасидаги долзарб вазифалар, коммуникация тизимларини янада тараққий эттириш, ободонлаштириш, замонавий бино ва иншоотларни қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳожама қилинди.

Аҳоли турар жойлари фонди ва ижтимоий соҳа муассасаларини кузги-қишги мавсумга тайёрлаш, sanoat ва бошқа соҳаларнинг бир маромда фаолият юритишини таъминлаш масалалари ҳам йиғилиш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Шу куни Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгагининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди. Иш фаолиятида

жиддий камчиликларга йўл қўйгани учун Жиззах шаҳар ҳокими Асрор Қобилов ўз вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг тавсиясига кўра Жиззах шаҳар ҳокими вазифасига Абдуқаҳҳор Тўхтаев тасдиқланди.

Шу куннинг ўзида яна бир нечта ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, ишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун Жиззах вилояти прокурори, шунингдек, қатор туман ҳокимлари эгалаб турган лавозимидан озод этилди ва уларнинг ўрнига янги номзодлар тасдиқланди.

Жиззах вилояти раҳбарияти зиммасига аниқланган камчиликларни бартараф қилиш, барча соҳа ва тармоқларни ривожлантириш бўйича белгиланган дастурларни ҳаётга изчил жорий этиш ва уларнинг самардорлигини оширишга йўналтирилган долзарб ва истиқболли чора-тадбирлар белгиланган вазифаси юклатилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVINI ЎTKAZUVCHI SAYLOV OKRUGLARI TUZILDI

15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.



Мажлисда шу йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиغا Асосий тадбирлар дастури асосида пухта ҳозирлик кўрилатгани таъкидланди.

“Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент

шаҳри чегаралари доирасида тузилди. Сайлов округлари рўйхати сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

Мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида

хизмат қилиш юксак шараф ва улкан масъулиятдир



Кеча пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгагининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур муҳим тадбирда республикаимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва O'zLiDeP фаолиятидаги гоят долзарб аҳамиятга эга масалалар атрофида муҳожама қилинди.



ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI СИЁСИЙ КЕНГАГИНИНГ РҶ МАЖЛИСИ

Йиғилиш аввалида қатнашчилар сукут сақлаб, мамлакатимизнинг Биринчи Президентини Ислам Каримовнинг порлоқ хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтиришди.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Соҳибжон Турдиев сўзга чиқиб, ватандошларимиз ўз ҳаётини шу юрт, шу халқ учун бағишлаган муҳтарам Юртбошимиз билан видолашгани, шу кунларда барчамиз оғир жудодликни бошимиздан кечираётганимиз, халқимиз ўзининг чорак асрлик янги тарихидаги энг катта йўқотишга учрагани ҳақида чуқур қайғу билан гапирди. Нотиқ мустақиллигимиз асосчиси,

буюк давлат ва сиёсат арбоби, нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизда тинчликнинг байроқдор ва кафолатига айланган Йўлбошимизнинг нақадар узокни кўра билувчи, стратегик фикрловчи, инсониятга юз йилларда бир инъом этиладиган феномен ва том маънодаги тарихий шахс эканини ҳаётнинг ўзи кўп бора тасдиқлагани тўғрисида сўз юритди.

– Тарихдан маълумки, давлат ва жамият ҳаётидаги туб бурилишлар, ислохотлар, янгиликлар ҳеч қачон осон кечмаган, – деди С. Турдиев. – Биринчи Президентимиз етакчилигида мамлакатимиз тоталитар

тузумдан воз кечиб, мустақил тараққиёт йўлини танлади, ўта мураккаб курашлар, қўллаб қийинчилик ва синовлардан ижтимоий ларзаларсиз, босқичма-босқич ўтиб, тарихан қисқа даврда жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. Бу Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг оламшумул ютуғи бўлиб тарихга кирди.

Асрларга татиғулик қисқа давр ичида Юртбошимиз оддий рўзгор ташвишларидан бошини кўтаролмаётган халқни буюк мақсадлар атрофида жипслаштирди, жамиятдаги турли иллатлар илдизини қуритди. Ислохот ислохот учун эмас, инсон учун, деган халқларпарвар тамойилни амалга татбиқ этди. Бунинг самаралари ҳамюртларимизнинг фаровон турмушида, тўкин дастурхонидида ўз аксини топди. Бугунги кунда дунё миқёсида эътироф этилаётган ўзига хос “Ўзбек модели”нинг сири ҳам, кучи ҳам шунда эди, десак айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз. Зеро, “Мен ниманики қилмай, фақат халқимга суянаман ва халқимга таянаман”, деган пурмаъно сўзлари бугун ҳам ҳар бир юртдошимиз юрагидида акс-садо бермоқда. Биринчи Президентимиз демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ишлаб чиқишда масъулиятни шахсан ўз зиммасига олиб, она Ватанимизнинг буюк келажиги ва тақдирининг кафолати бўлган

ноёб қомусий ҳужжатнинг асосчиси бўлиб тарихимизда ўчмас из қолдирди. Бош Қомус асосида яратилган халқчил қонунлар, шунингдек, муҳим дастурий ҳужжатлар фуқаролик жамияти ва давлат ҳокимияти институтларининг шакллантирилиши ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкчиликнинг барча турларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ва ислохотлардаги фаол иштирокини таъминлади.

Шу ўринда тилга олиш жоизки, халқаро экспертларнинг юксак эътирофларига сабаб бўлган иккита президентлик сайловида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов номзодини кўрсатиш шарафига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси мушарраф бўлди.

Партиядошларимиз шонли тарихимизга буюк воқеълик бўлиб кирган сўнмас хотирани ҳеч қачон унутмайди. Улуғ инсонга хос булган буқилмас ирода, фидойилик, мardлик ва ватанпарварлик, инсонийлик ва адолатпарварлик, самимилик ва меҳрибонлик, халққа берган ваъдасининг устидан чиқиш каби олижаноб фазилатлар барчамиз учун ёрқин ибрат бўлиб қолаверди.

Давони 2, 3-саҳифаларда

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVINI ЎTKAZUVCHI SAYLOV OKRUGLARINI TUZIISH TЎG'RISIDA

“Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1-Қорақалпоғистон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ёшлар маркази биноси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 23-уй. Сайловчилар сони – 1 188 763 киши. Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

2-Андижон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Андижон вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шохқўчаси, 32-уй. Сайловчилар сони – 1 984 247 киши. Андижон вилояти чегараси доирасида.

3-Бухоро сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Бухоро вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шохқўчаси, 3-уй. Сайловчилар сони – 1 265 163 киши. Бухоро вилояти чегараси доирасида.

4-Жиззах сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Республика Маънавият тарғибот маркази Жиззах вилояти бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шохқўчаси, 70-уй. Сайловчилар сони – 844 309 киши. Жиззах вилояти чегараси доирасида.

5-Навоий сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – “Фарҳод” маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шохқўчаси, 58-уй. Сайловчилар сони – 641 380 киши. Навоий вилояти чегараси доирасида.

6-Наманган сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ёшлар маркази биноси, Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй. Сайловчилар сони – 1 771 067 киши. Наманган вилояти чегараси доирасида.

7-Самарқанд сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 237-уй. Сайловчилар сони – 2 373 738 киши. Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

8-Сирдарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Сирдарё вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 66-уй. Сайловчилар сони – 529 810 киши. Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

9-Сурхондарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 12-а уй. Сайловчилар сони – 1 581 214 киши. Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

10-Тошкент вилояти сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Тошкент вилояти молия бошқармаси биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темури шохқўчаси, 17-уй. Сайловчилар сони – 1 943 289 киши. Тошкент вилояти чегараси доирасида.

11-Фарғона сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши биноси, Фарғона шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 27-уй. Сайловчилар сони – 2 417 891 киши. Фарғона вилояти чегараси доирасида.

12-Хоразм сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – “Баркамол авлод” болалар маркази биноси, Урганч шаҳри, Фағур Гулом кўчаси, 1-уй. Сайловчилар сони – 1 167 263 киши. Хоразм вилояти чегараси доирасида.

13-Қашқадарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – “Ўзгеобургу нефтгаз” акциядорлик компанияси биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй. Сайловчилар сони – 1 984 042 киши. Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

14-Тошкент шаҳар сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурий бинолардан фойдаланиш департаменти биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темури шохқўчаси, 14-уй. Сайловчилар сони – 1 742 833 киши. Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси

М. Абдусаломов

Тошкент шаҳри,
2016 йил 15 сентябрь

ЖАРАЁН

Мамлакат тараққиёти, халқ

хизмат қилиш юксак шараф

« Давом. Бошланғич 1-сифада

— Биз бундан кейин ҳам Биринчи Президентимиз ўз ҳаётини бағишлаган мустақилликни мустаҳкамлаш, буюк давлат ва буюк келажак қуриш, дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаш йўлидан борамиз! — дея қатъият билан таъкидлади нотиқ. — Унинг оталарча ўғитлари, панд-насихатлари, таъбир жоиз бўлса, васиятларига доим амал қиламиз!

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги чиқишида: “Бугун биз халқимизни ишонтириб, баланд овоз билан айтишимиз зарурки, буюк устозимизнинг сиёсий мероси, яъни, у киши белгилаб берган тараққиётимизнинг асосий тамойиллари, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир”, дея таъкидлади. Бу сўзларни барча юртдошларимиз катта ҳаяжон ва ички бир таскин билан эшитдилар.

Шунингдек, қўшма йиғилишда Шавкат Мирзиёев халқимизга мурожаат қилар экан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари ҳамда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар, фуқаролик институтлари билан биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб ишлагани олдимизда турган энг муҳим устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг энг асосий омил ва гарови деб билишни алоҳида қайд этди. Ушбу сўзлар бошқа сиёсий партиялар қатори уч юз мингдан зиёд аъзони бирлаштирган Ўзбекистон либерал-демократик партияси ва миллионлаб хайрихоҳларимиз зиммасига жиддий масъулият юклайди. Чунки юртимиздаги тинч осуда ҳаёт, ижтимоий-иқтисодий муваффақиятлар, шубҳасиз, барқарор иқтисодий тараққиёт билан чамбарчас боғлиқдир. O'zLiDeP асосий электорати бўлган тадбиркор ва фермерлар, хусусий мулкдорлар эса иқтисодий таъминнинг лоқомотивига, таянчига айланган. Бинобарин, хусусий сектор манфаатини ифодалаш ва ҳимоялаш, мулк ва мулкнинг муносабатларни тақомиллаштиришни ўзининг бош вазифаси деб биладиган партиянинг фаоллари юқоридаги фикрлардан тўғри хулосалар чиқариши лозим.

Сиёсий Кенгаш йиғилишида жорий йилнинг 4 декабрь кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партияимиз

— Биз бундан кейин ҳам Биринчи Президентимиз ўз ҳаётини бағишлаган мустақилликни мустаҳкамлаш, буюк давлат ва буюк келажак қуриш, дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаш йўлидан борамиз!

иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида улкан аҳамиятга эга мазкур жараёнда O'zLiDeP-нинг фаол иштирок этиши таъкидланди. Сиёсий



кампания билан боғлиқ барча ишлар давлатимиз қонунчилиги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонун нормаларига тўла риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши шартлиги белгиланди.

Йиғилиш иштирокчилари мазкур сайловда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан илгари сурилдиган номзод ҳақидаги масалани ҳам батафсил кўриб чиқдилар.

Маълумки, Марказий Сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Асосий Қонунимизнинг 96-, 117-моддалари ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуннинг 5- ва 9-моддаларига мувофиқ 2016 йил 4 декабрни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бинобарин, бошқа сиёсий партиялар қатори O'zLiDeP ҳам яна бир жиддий имтиҳон палласига кираётир.

— Президент сайлови ҳақида гапирар эканмиз, сўз Ўзбекистоннинг келгусидаги ички ва ташқи сиёсати, мамлакатимиз ва халқимизнинг эртанги кунини ва тақдири хусусида бораётганини асло унутмаслигимиз керак, — деди Содиқжон Турдиев. — Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, буюк келажак ва аниқ белгилаб олинган мақсадлар сари оғишмасдан, ўтган йилларда юртимизда амалга оширилган ислохотларни янги шароитларда давом эттиришнинг урдасидан чиқа оладиган инсонгина партияимиздан номзод сифатида кўрсатилиши лозим. Дарҳақиқат, амалга оширилган ислохотлардаги бардавомлик, юртимиздаги тинчлик ва хотиржамлик, халқимиз фаровонлигининг муттасил ошиб боришини таъминлаш партияимиз олдида турган устувор вазифадир. Шу боис ислохотлар туб моҳиятини аниқ биладиган, уларнинг амалга оширилиши жараёнида бевосита қатнашадиган, эл-юрт дардини ўз дарди деб биладиган шахсина партияимиз томонидан номзод сифатида эълон қилиниши лозим. Шу нукта назардан келиб чиқиб, зоқ йиллар мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислам Каримовга елкадош бўлган, бутун куч-гайратини юртимизнинг гуллаб-яшнашига бахшида этаётган, республикамиз ҳар бир ҳудудининг мислсиз даражада ўзгаришига жуда катта ҳисса қўшаётган, ўз ҳаётини Ватан, халқ тақдири билан боғлаган ва шу туфайли ҳамюртларимиз орасида жуда катта ҳурмат, обрў-эътибор қозонган Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини илгари суришни бугунги куннинг энг тўғри қарори деб ҳисоблаймиз.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси партияимиздан кўрсатилаётган номзоднинг таржимаи ҳоли, ўзига хос фазилатлари, унинг мамлакатимиз равнақи йўлидаги астойдил меҳнати хусусида муфассал сўз юритиб, ўтказилдиган Президент сайловида умрини халқимиз саодати-га бағишлаган фидойи инсон — Шавкат Мирзиёев-

ни қўллаб-қувватлашга ундади.

Сўзга чиққанлар — партия фаоллари, турли соҳаларда меҳнат қилаётган маслақдошларимиз, хайрихоҳларимиз мамлакатимизнинг барча жабҳаларида жадал суръатларда ўсиш

Мажлисида жойлардаги сайловчилар ва электорат вакиллари номидан сўзга чиққанлар фикр-мулоҳазалари инobatга олиниб, партиянинг навбатдаги VIII съездида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси Шавкат Мирзиёев номзодини кўрсатиш таклифи яқдиллик билан маъқулланди.

таъминланаётганини эътироф этиб, ана шундай ютуқларга эришишимизда 13 йилдан буён республикамизда ҳукуматини муваффақиятли бошқариб келаётган Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида ҳиссаси борлигини қайд этдилар. Жумладан, ҳукуматимизнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари, амалга оширган махсус чора-тадбирлари ва дастурлари натижасида истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 марта ўсгани, унда саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга ошганлиги айтиб ўтилди. Банк-молия инфратузилмалари фаолияти юксак даражада ташкил этилгани, бюджет ва солиқ сиёсати юқори савияда бажарилаётгани, фаол инвестиция муҳитини шакллантириш борасида юқори натижаларга эришилганига ҳам ургу берилди. Шунингдек, иқтисодиётимизнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири — қишлоқ ҳўжалиги, айниқса, фермерлик ҳаракати изчил тараққий этиб бораётгани ҳақида гапирилди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли дунё микё-

сида ишсизлар сони тобора кўпайган, ишлаб чиқарувчилар, фермерлар фаолияти издан чиқаятган бир пайтда Ўзбекистонда ҳар йили 1 миллион атрофида янги иш ўрни яратилаётгани ҳам Шавкат Мирзиёев бошқараётган ҳукуматимизнинг бу йўналишда қатъий иш олиб бораётганидан далolat экани таъкидланди. Шунинг баробарида тавсия этилаётган номзод юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг янада муваффақиятли давом этиши учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор ва талабчан, янгиликка интилувчан, жонкуяр ва ватанпарвар, жуда катта ҳаётий тажриба ва салоҳиятга ҳамда юксак ташкилотчилик иқтидорига эга раҳбарлиги эътироф этилди.

Мажлисида жойлардаги сайловчилар ва партия электорати вакиллари номидан сўзга чиққанлар фикр-мулоҳазалари инobatга олиниб, партиянинг навбатдаги VIII съездида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини кўрсатиш таклифи яқдиллик билан маъқулланди.

Йиғилишда билдирилганидек, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан амалга оширилади. Шундан келиб чиққан ҳолда мажлис қатнашчилари партиянинг навбатдаги съездини 2016 йил 14 октябрда ўтказишга келишиб олдилар. Съездга вакиллик меъёри, яъни, делегатлар сони Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан ҳар бир ярим минг партия аъзосидан бир нафар делегат этиб белгилашни ҳамда съезд кун тартибига ягона — 2016 йил 4 декабрь кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масалани киритиш хусусидаги таклифлар ҳам бир овоздан қўллаб-қувватланди.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши томонидан, шунингдек, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида белгиланган муддатларда Марказий сайлов комиссияси партиянинг сайловдаги иштироки билан боғлиқ ҳужжатларни ўз вақтида тақдим қилиш, жойларда ушбу муҳим сиёсий тадбирга тайёрлик борасидаги партиянинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари конференцияларини ўтказиш ва бошқа зарур чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

Клара ЖУМАМУРАТОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси:



— Бугун Ўзбекистон халқи ўзининг бутун ҳаётини шу юрт тақдири, эртанги кунини билан боғлаган, умрининг сўнги нафасигача халққа хизмат қилишни олий саодат деб билган буюк давлат арбоби, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов олиб берган ижтимоий-сиёсий ислохотларни изчил давом эттиришни истаётди. Бу бежиз эмас, албатта. Айни пайтда олдимизда турган муҳим сиёсий жараёнлар арафасида ҳам ана шу масала ниҳоятда долзарб бўлиб турибди.

Партияимиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатиладиган Шавкат Мирзиёевни айнан ана шундай фазилатларга эга, сиёсий жиҳатдан етук номзод деб биламан. Мен у кишини Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси ташкил этилган дастлабки пайтлардан буён яқиндан танийдим. Сиёсий Кенгаш аъзоси сифатида биз билан елкама-елка туриб, партияимизнинг мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ўрнига эга бўлишида бор куч ва имкониятларини аямаган.

Номзодимиз ўзининг жуда катта ҳаётий тажрибаси, ватанпарварлиги, халқпарварлиги ҳамда ташкилотчилиги билан халқимиз орасида алоҳида обрў-эътибор қозонганлиги ҳақиқат. Кўпчилигимиз яхши биламиз, Урганчининг бундан 20 йил олдинги манзарасига ҳавас қилиб бўлмасди. Тар-

тибсиз қурилган кўрмисиз бинолар, пасткам иморатлар, тор кўчалар... Айниқса, ёз ойларида бу ерда салқин жой топиламасди. Воҳамиз иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар йўқ эди. Чунки маҳаллий аҳолининг аксарияти туپроғимизда гул усмайди деб ўйларди. Лекин, Шавкат Мирзиёев ушбу фикр тўғри эмаслигини исботлаб берди. Шундан кейин Хоразмда турли манзарали кўчатлар, гуллар ўстиришга эришдик, натижада бугун Хоразм гуллар воҳасига айланди.

Давлатимизнинг Биринчи Президенти орзу қилганидек, яъни, бугун Хоразмга келган ҳар бир меҳмон, аввало, бизнинг замонавий усулда қайта қурилган шаҳар ва қишлоқларимизни кўриб, улкан бунёдкорлик ишларига лол қолиб, ундан кейин Хивага тарихий обидаларимизни кўришга ошиқмоқда. Президентимизнинг Хоразм вилоятини ободонлаштириш, қайта қуришга доир ташаббуслари ижросини Шавкат Мирзиёев тўла таъминлади, дейишга бизда асос бор.

Мен Урганч шаҳридан сайланган депутат сифатида номзодимизнинг шижоати, ишчанлигига кўл бора гувоҳ бўлганман.

Мен партиянинг навбатдаги съезди кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан Шавкат Мирзиёев номзодини кўрсатиш таклифини яқдиллик билан қўллаб-қувватлайман.

— Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан 1991 йилда “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган эди. Ўтган йиллар мобайнида ушбу қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш эҳтиёжи туғилди. Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат томонидан маъқулланган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун бевосита Бош вазир Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракати билан ишлаб чиқилганлиги эътиборга лойиқ.

У киши Самарқанд вилоятига ҳоким бўлиб келган кунларининг эртасигаёқ вилоят ёшларининг вакиллари билан учрашди. Мен уша пайтда Самарқанд давлат университетининг 3-босқич



Рустам ҚОБИЛОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

талабаси, шу билан бирга “Камолот” ЁИХнинг университетдаги бошланғич ташкилотчи етакчиси эдим. Янги тайинланган ҳоким катта бир вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий масалалари турганига қарамасдан, ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратганлиги бизни ҳайратга солган эди. Шунинг алоҳида таъкидлашим керакки, уша учрашув самимий, савол-жавобларга бой

бўлди ва барча масалалар ўз ечимини топди.

Юзма-юз мулоқот сўнгида вилоят ёшларини бир жойга жамлайдиган, уларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишга кўмаклашадиган Ёшлар марказини бунёд этамиз, деб қатъий ваъда берди. Эътиборли жиҳати, орадан уч кун ўтиб, Самарқанд шаҳридаги ёзги кинотеатрни Ёшлар марказига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бир йил ўтар-ўтмасдан барча шароитларга эга, ҳашаматли Ёшлар маркази бунёд этилди ва вилоятимиз ёшларига туҳфа қилинди. Бу ташаббус нафақат Самарқандда, кейинчалик мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг ёйилди.

Хўш, Президентимизнинг ғоя ва ташаббусларини келажакда ҳам оғишмай амалга ошира оладиган муносиб номзод қандай бўлиши керак?

МУНОСАБАТ

фаровонлиги йўлида ва улкан масъулиятдир

O'zLiDeP фракцияси аъзолари ҳукумат ҳисоботини маъқуллашди

Наврўз ЭРКИНОВ, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг Ангрэн-Поп электрлаштирилган темирйўл қурилиш лойиҳасининг амалга ошириш гуруҳи бошлиғи



Эсимда, 90-йиллар бошларида транспорт тизими жуда оғир аҳволга тушиб қолган эди. Темир йўл вагонлари ва локомотивлар эскирган, йўллар ярқисиз, самолётлар парки хароб, аэропортлар ноқор аҳволда, машинасозлик саноати эса пароканда аҳволда эди...

Бугун қайси бир соҳани олмайлик, улкан ютуқларга эришдик дея мақтансак арзийди. Айниқса, кейинги 10-15 йил давомида бу борада амалга оширилган ишлар ақл бовар қилмас даражага етди.

Оддий мисол, иқтисодиётимизнинг "қон томирлари" ҳисобланган темир йўл соҳасида тушимизга ҳам кирмаган тарихий ўзгаришлар рўй берди.

Хозирги кунда ўта теъжор поездлар Тошкентдан Самарқанд, Қарши ҳамда Бухорога йўловчиларни ўз манзилларига учқур тулпордек етказиб қўймоқда.

Яна бир улкан лойиҳа - "Ангрэн-Поп" электрлаштирилган темир йўли қурилиши ҳақида алоҳида фахр билан айтишни истардим. Улкан тоғлар бағрини ериб, 123 километрлик пўлат излар Фарғона водийси томон йўл олишни ўтмишни кўйинг, яқин 20 йиллар аввал ким ҳам тасаввур қила оларди?

Айни вақтда ушбу йўналишда юк ва йўловчи поездларининг доимий ҳаракати амалга оширилмоқда, энди водий вилоятлари-га ҳеч қандай қийинчиликсиз бориб келиш имконияти тўғрисида.

Бир вақтнинг ўзида Ўзбекистоннинг турли бурчакларида ўнлаб шундай стратегик қурилишлари барчасига вақт топиб, эътибор қаратганлари ҳаммамизга маълум.

Ўттиз беш йилдан буён қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаяпман. Ҳали-ҳануз ёдимда: собиқ тузум даврида ташаббус кўрсатиш, эркин, мустақил фикрлашга йўл берилмасди, фидокорона меҳнатнинг рағбатлантирилиши, инсон қадр-қиммати аҳамиятсиз тушунчалар эди.

Биринчи Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан агарар соҳада юз йилларга татигулик улкан ишлар амалга оширилиб, мислсиз муваффақиятларга эришилди.

Биринчи Президентимиз ёнида юриб, бой тажриба тўплаган, Ватанимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшиб



Анарбой ЭШМАТОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Жиззах вилояти Фермерлари Кенгаши раҳбари:



келаётган, жонқуяр, талабчан сафдошимиз Шавкат Мирзиёев барча соҳадаги ислохотларни изчил давом эттиради, бунёдкорлик жараёнларини янги босқичга олиб чиқа олади, дея қомил ишонч билан айта олам.

1996 йилдан, яъни Жиззах вилоятига ҳоким бўлиб тайинланганидан бери яхши биламан. Унинг бу ҳудудда амалга

оширган ишлари тўғрисида соатлаб гапиришим мумкин.

Шароити нисбатан мураккаб Жиззах вилоятининг экин майдонлари анча захкаш, сизот сувлари ер юзасига яқин. Вилоят раҳбари энг илғор хўжаликлар раҳбарлари ҳамда тажрибали деҳқонлар, механизаторларни йиғиб, шахсан ўзи бошчилигида кенгаш тузиб, уларнинг маслаҳатлари асосида иш олиб борди.

Вилоятнинг ўша пайтдаги янги ҳокими нафақат ирригация, фермерлик, саноат, балки аҳоли билан ишлашда, хусусан, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам ибратли ишларни амалга оширди.

Шавкат Мирзиёев ҳукуматимиз раҳбари бўлганидан кейин Биринчи Президентимизнинг фармон ва қарорларини ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатди. Қишлоқ хўжалигини босқичма-босқич ривожлантирувчи амалий ҳаракат механизмни яратди.

Мен муваффақиятли стратегик йўлни оғишмай давом эттириш, мамлакатимизни янада ривожлантириш ҳамда халқимиз ҳаёти даражасини бундан-да юксалтириш каби улкан вазифаларни партиядошимиз Шавкат Мирзиёев амалга ошира олишига ишонаман.

Алишер БОЙҚАРАЕВ, Китоб туманидаги "Севаз-Андроникс" МЧЖ раҳбари, Қашқадарё вилояти:



16 йилдан буён тадбиркорлик соҳасида фаолият юритиб келаяпман. Бизнинг корхонамиз асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, узум ва мевалар еттиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланади.

Ўтган 25 йил тадбиркорлик ва фермерлик иқтисодиётимизни ривожлантиришининг энг муҳим соҳаси эканлигини исботлади.

Булларнинг барчаси мамлакатимизнинг Биринчи Президентини Ислам Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилганлигини алоҳида эҳтиром билан эслашни истайман.

Ривожланаётган давлатларнинг манаман деган иқтисодчилари ва экспертлари эътироф этаятган ва ўзини оқлаган "Ўзбек модели"ни яратиб, ҳаётга кенг

татбиқ этишга эришган мамлакатимизнинг Биринчи Президентини Ислам Каримовга узоқ йиллар елкадош бўлиб ишлаган, чин маънода издоши, муносиб шогирди сифатида обрў қозongan ва бугунги кунда Юртбошимизнинг гоғлари, эзгу ишларини изчил давом эттираётган Шавкат Мирзиёевнинг халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги хизмати беқиёс эканлигини барчамиз яхши биламиз.

Мисол учун, 2007 йили Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилояти тадбиркорлари билан учрашганида мен у кишига корхонамиз ускуналари эски эканлигини ва имкони бўлса, ердан кўрсатишларини сўраганман. Шунда менга шундай тўғри йўналиш ва амалий кўмак кўрсатдиларки, қисқа муддатда Австриядан замонавий қайта ишлаш линиясини олиб келиб ишга туширдик, неча ўнлаб қишлоқ ешларини иш билан таъминлашга эришдик.

Яна бир қувонарли томони, Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари билан замонавий алоқа воситалари, яъни интернет орқали тадбиркорлар ва барча фуқаролар муносабатларини қабул қилиш давлат хизматлари ягона портали ташкил этилгани биз тадбиркорларга катта қўлайлик яратмоқда.

Булларнинг барчаси пировардида Ўзбекистоннинг янада ривожланиши ва халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Лола МУРОТОВА,

Оптирик туманидаги "Нурлиобод" фермер хўжалиги раҳбари, Фарғона вилояти:



Кеча ким эди, бугун ким бўлди, деган ҳаётий савол барчамизни сержакликка чорлаши табиий. Чунки, ҳеч кимга сир эмас, кеча одамлар фақат қорин ғами билан яшар эди.

Бугун-чи? Бугун халқимизнинг ҳаёти фаровон, қўқис тоғдек баланд. Энг муҳими, эртанги кунга бўлган ишонч ортмоқда. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Хўш, бундай тўқин ва фаровон ҳаётни бизга ким берди? Бундай бахтиёр кунларни мустақилликимиз асосиси, юксак маънавиятли баркамол авлодни шакллантирган буюк йўлбошчи Ислам Каримов берди.

Барчамиз учун қадрли бўлган, халқимизнинг мард ва жасур фарзанди, буюк давлат арбобининг вафоти халқимиз учун катта йўқотиш бўлди. Ана шундай бир пайтда, халқимиз мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни ким давом эттиради, орзу-умидлари ушалаётган еш авлодни ким тўғри йўлга бошлайди, деган ташвиш билан яшаётган эди.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, муҳтарам Президентимиз бошлаб берган ислохотлар давом этади, юртимизда тинчлик-осойишталик бўлади дегани халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Мен бу инсонни ишчан, талабчан, ўз Ватанига содиқ, жонқуяр раҳбар сифатида биламан. У киши учун катта-кичик масаланинг ўзи йўқ. Барча масалага сидқидилдан, катта масъулият билан ёндашади.

Шунинг учун ҳам барча фермерларимиз номидан Шавкат Мирзиёев номзодини яқдиллик билан қўллаб-қувватлайман ва буни бугунги куннинг энг тўғри қарори деб биламан.



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ИБРАТ

Барчага насиб этмайдиган бахт

✓ ...Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари. Марҳаматлик Ортиқали Хусанов ўрта мактабни аълога, институтни имтиёзли диплом билан битирди. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб юрганида, яъни, 37 ёшида оғир касалга чалинди. Врачлар унга кўзлари кўрмай қолиши, умуртқа погонаси емирилишини айтишди.



ишлаб чиқариш марказини ташкил қилиб, йигирмадан зиёд иш ўрни яратди. Компьютер савдохонлиги, компьютер таъмирлаш, видео ва аудио хизматлари кўрсатиш каби пуллик, ёш ижодкорлар, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, музей-шунослик, кулолчилик, кутубхоначилик йўналишларида бепул тўғарақлар йўлга қўйилди. 2006 йилда ушбу марказ учун замонавий уч қаватли иморат барпо этилди. Шу пайтгача ушбу таълим масканида 7 мингдан зиёд ўқувчи тахсил олди. Улар орасида ногиронлар ҳам бор.

Этиборлиси, муҳташам бинонинг учинчи қаватидаги энг катта хона O'zLiDePнинг "Турон" ёшлар ва ногиронлар ўқув ишлаб чиқариш маркази бошланғич ташкилоти учун ажратилган. Ортиқали ака айна дамда Халқ депутатлари туман ва вилоят Кенгаши депутати. Ҳозирда тарих фани бўйича докторлик диссертацияси устида изланаётган қизи Шахлохон ҳам туман Кенгаши депутати, ўғли Ҳасанбой эса мазкур бошланғич партия ташкилотининг раиси.

Мазкур қўйи бугун аъзолари республика миқёсидаги тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Масалан, Халқаро ёдгорликларни асраш кўнига бағишлаб ўтказилган республика миқёсидаги танловда 84 ёшли Тўхтасин бобо Жўраев ўзининг 1953 йилда Мингтепадаги қадимий Довон давлатининг археологик қазилмаларидаги иштироки акс этган ҳикояси учун танловнинг махсус мукофоти билан тақдирланди.

Таянч тузилма таклифи билан ўқув ишлаб чиқариш маркази рўпарасидаги бўш ётган ерда қадимий Мингтепа маданиятига бағишланган очик ва ёпиқ музейлар, хотира мажмуаси ва маънавият боғи барпо этилди. Икки қаватли ёпиқ музейда ўрта ва XX асрлар ҳамда мустақиллик даврига оид экспонатлар, Марҳамат туманида ижод қилган шоир ва шоира-

лар ижодига бағишланган маълумотлар жой олган. Очик музейда эса қадимий Мингтепада амалга оширилган археологик қазилмалар натижасида топишган кўҳна буюмлар намунаси жойлаштирилган. Бу ерда, айниқса, 1 минг 500 донанодир китоблар сақланаётган кутубхона эътиборингизни тортади. Беш юз миллион сўм қийматдаги асарлар жамланган ушбу зиё маскани аҳолига бепул хизмат кўрсатмоқда.

— Ўтмишини унутмаган халқнинг маънавияти юксак бўлади, — дейди О. Хусанов. — Тарих кишиларга аждодларимиздан қолган анъана ва қадриятлар, меҳр-оқибатни ўргатади, одамийликдан сабоқ беради, миллий гурурни юксалтиради, оғоҳликка чорлайди.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИГА ҚЎШИМЧА ЕР

Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, партия гоёларини тарғиб қилиш борасида ҳам "Турон" ёшлар ва ногиронлар ўқув ишлаб чиқариш марказидаги қўйи бугун тахсинга сазовор ишларни олиб бормоқда.

Аъзамжон исмли тадбиркор ушбу бошланғич ташкилотга мурожаат этиб, маҳалласида электр таъминотида муаммо юзага келаяётганини айтди. Ортиқали ака Аъзамжон яшайдиган Шўрқишлоқ маҳалласида зовур суви оқиб ётишини биларди. Шу боис унга муқобил электр энергияси ишлаб чиқариш қурилмаси ўрнатишни маслаҳат берди. Зеро, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахслар ўз истеъмоли учун электр қувватини рухсатномасиз ишлаб чиқариши мумкин. Хуллас, ишбилармон 10 миллион сўм сарфлаб, электр энергияси ишлаб чиқари-



ришни йўлга қўйди. Туман ҳоқими ушбу янгилик билан танишар экан, тадбиркорга иссиқхона қуриш, плёнка остида деҳқончилик билан шуғулланишни тавсия қилди.

5,5 гектар ер майдонига эга тумандаги "Ипак" фермер хўжалиги асосан тут кўчати ва уруғчилик етиштиришга ихтисослашган. Лекин айрим узоқни кўролмаган маҳаллий раҳбарлар ушбу фермер хўжалиги раиси Абдулатто Мусулмонқулловни фақат пиллачилик билан шуғулланишга мажбурлаб, оқибатда ер майдонини қисқартирмоқчи бўлишди. Бундан норози бўлган фермер депутат О. Хусановга мурожаат қилди. Оғир дардни енгиб, умрини эзгу ишларга бағишлаган, 2010 йили "Жасорат" медали билан мукофотланган Ортиқали ака бу масалага ҳам бефарқ қараб туролмади.

"Ипак" фермер хўжалигида туман миқёсида семинар уюштирилди, бу ерда парваришланаётган тут барги бошқа хўжалиқлардагига нисбатан анча катта ва қалинлиги, юқори эги-

лувчанлиги каби афзалликларга эгаллигини исботлаб берди. Пировардида хўжаликка яна қўшимча икки гектар ер ажратилди. Ушбу фермер хўжалигида ҳам партиянинг янги қўйи бугун ташкил этилиб, аъзоларимиз беш нафарга кўпайди.

ҲАҚИҚИЙ БОЙЛИК

Бир куни катта ўғли Ҳасанбой Ортиқали акага ёзғирди:

— Ҳафтада етти кун ишлаймиз. Ҳар кимга ёрдам бераверасиз, илтимос қилганларга нархни пасайтирасиз, насияга хизмат кўрсатасиз, маҳсулотлар бера-сиз. Бу кетишда биз қачон бой бўламиз?

— Ўғлим, ҳамма бизнинг олдимизга мушкулликни осон қилгани, ишини битиргани келади, — деди ота унга. — Шўқри, одамларга нафимиз тегапти. Бу ҳаммага ҳам насиб этмайдиган бахт. Кимнидир иши сенинг кўмагинг туфайли юришса ва у миннатдор бўлса, ҳақиқий бойлик ана шу!

Аъзам КОДИРОВ

Сафдошлар ибрати

✓ Самарқанд вилоятида ҳам партиянинг қўйи бугунлари сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Биргина Пастдарғом туманида йил бошидан буён партия аъзолари 130 нафарга кўпайиб, бугунги кунда улар 2 минг 130 нафарга етди.



— Тумандаги мавжуд фермер хўжалиқлари, корхона ва ташкилотларда 5 та янги қўйи бугун тузилди, уларнинг сони 70 тага етди, — дейди O'zLiDeP туман Кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш бўйича бош консультант Соҳиб Мўйидинов. — Яқинда акциядорлик тижорат "Агробанк"нинг Гўзалкент

филиалида янги таянч тузилма аъзоларига гувоҳнома топириш жараёнида ёшларимизда фаоллик ва ташаббускорлик фазилатлари юқорилигига амин бўлдик.

Шунингдек, туман Фермерлар кенгашида ташкил этилган таянч тузилма — "Нигина" фермер хўжалиги раҳбар ва ишчилари ҳисобига яна 5 нафарга кўпайди.

O'zLiDeP амалий ишлар тарафдори эканлигини исботлапти, — дейди мазкур хўжалик раҳбари Олим Мирзаев. — Чунончи, қишлоқ мулкдорларининг манфатларини ҳимоялашда партия вакиллари гоёта фаол.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

✓ O'zLiDePнинг Қизилтепа тумани ташкилоти Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда олиб бораётган тарғибот тадбирлари натижасида бошланғич ташкилотлар ва аъзоларимиз сони тобора ортапти.

Муштарак мақсадлар

— Ўтган олти ой мобайнида тўртта янги қўйи тузилма фаолият бошлади. Уларнинг учтаси фермер хўжалиги ва тадбиркорлик субъектларида ташкил этилди, — дейди партия туман бўлимнинг бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш бўйича бош консультанти Сарвиноз Холматова. — Депутатлар билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик ижобий самара бераётир. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари Рустам Саломов ва Амин Ўроқовнинг ташаббуси билан "Ванғози Агро экспорт" масъулияти чекланган жамиятида, "Усто Қодир" ҳамда "Асадбек орзуси" фермер хўжалиқларида янги қўйи бугунлар тузилди. Натижада сафдошларимиз сони 134 нафарга кўпайиб, туман бўйича жами 1 минг 476 нафарга етди. Мустақилликнинг 25 йиллиги арафасида сафдошимиз, вилоят Кенгаши депутати Абдусалим Жалилов билан биргаликда ўтказилган тарғибот ишлари туфайли "Қизилтепа шарбати" масъулияти чекланган жамиятида яна бир янги бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсата бошлади.

— Мустақиллик даврида мамлакатимизда кўппартиявийликка асос солинди, — дейди депутат Абдусалим Жалилов. — Бу эса фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларидан бемалол фойдаланиш, кучли демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги фаол иштирокига шароит яратди. Мулкдорлар синфи вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлашни асосий мақсади деб билган O'zLiDePнинг бугунги муваффақиятли фаолияти боисидан ҳаммаслақларимиз тобора кўпаймоқда.



Хусусан, "Қизилтепа шарбати" масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтган таъсис йиғилишида намунали хулқи, ишбилармон ва ташаббускорлиги билан жамоада ҳурмат қозонган хисобчи Рамз Нурматов мазкур бошланғич партия ташкилотининг раиси этиб сайланди.

— Юртимиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг устав, дастурлари билан танишимиз ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни мақсад қилган O'zLiDePга аъзо бўлишга қарор қилдим, — дейди Рамз Нурматов. — Жамоамиз аъзоларининг менга ишончи партия гоёларини тарғиб қилишга ундайди. Ўн нафар партия аъзоси билан иш режамизни туздик.

Таъкидлаш жоизки, таянч бугун аъзоси, 33-Арабон сайлов округидан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган

Абдусалим Жалилов байрам арафасида тумандаги "Варозун" маҳалла фуқаролар йиғинига ўз маблағи ҳисобидан икки миллион сўм қийматдаги замонавий компьютер жамланмасини совға қилди.

— Маҳалламиздаги 576 та хонадонда 3 минг 100 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди "Варозун" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Насим Очилов. — Ўтган сайловда O'zLiDePдан кўрсатилган номзад учун овоз бериб, хато қилмаган эканман. Чунки ушбу партиядан сайланган депутатимиз ҳамда қўйи бугунлар фаоллари ҳамкорлигида уюштирилган тадбирлар натижасида маҳалладаги 50 фойздан ортиқ оила тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Мансур АСЛОНОВ,
"XXI asr" мухбири



O'zLiDePнинг асосий мақсадларидан бири — партиянинг сиёсий платформаси, яъни либерал-демократик гоё ва қадриятларни кенг омма онгига сингдириш, бу борада ҳар томонлама чуқур ўйланган ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш, ўз сафини кенгайтириш. Шу гоёларни ҳаётга татбиқ қилишда фидойилик кўрсатган фаолларни депутатликка номзод сифатида кўрсатиш ва сайловчилар ишончини қозонган ўз депутатлари зиммасига давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларида вакиллик вазифасини юклаш ҳамда уларнинг фаолиятини бошқариш.

ФАОЛИЯТ

ЕР БИЛАН ТИЛЛАШГАНЛАР

Бобомдан қолган далалар

✓ Тўнғич невра бўлгани учунми, Анваржон сал ақлини танигач, раҳматли бобоси — пахтачиликда ўзига хос мактаб яратган бригадир Темир Пўлатовнинг ортидан қолмайдиган бўлди. Бобосининг машинасига миниб, қишин-ёзин даладан бери келмасди.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати кенг қўл очиб, ерлар ҳақиқий эгаларига топширила бошлаган йиллари Анваржон ҳам фермер бўлди. Арабон фуқаролар йиғини ҳудудда "Сувгон Тошраббот кўргони" фермер хўжалигини ташкил этди. Бахтни қарангки, ёшлигидан қадрдон бўлган саховатли далаларда деҳқончилик қилиш, замин билан тиллашиш, бобоси ишини давом эттиришга муяссар бўлди.

— Бобом "Деҳқончиликда хато кечирилмади. Биргина хато барчанинг меҳнатини пучга чиқаради, натижада кўпнинг ризиқи қирқилади", деган гапни кўп такрорларди, — дейди фермер. — Агротехник тадбирлар ернинг шароитига қараб, ўз вақтида ва сифатли бажарилишига эътибор берамиз. Шу тўғрисида ҳар йили пахта ва галла етиштириш

бўйича шартнома шартларини ортиги билан бажарамиз. Сўнгги тўрт йилда пайкаллар ҳосилдорлигини гектар бошига 43-45 центнердан ошириб, тумандаги пешадам фермерлар қаторига чиқдик. 2015 йилда галла ҳосилдорлиги 54 центнерни ташкил этди, пахтадан икки теримда 43 центнердан ҳосил кўтардик.

— Йил йилга ўхшамайди. Инжиқ келган жорий йил баҳори шошириб қўймадим?

— Баҳор серёғинлиги тўғрисида 30 гектарлик галлазорларимизни зараркунанда ва занг касаллигидан асрашда қийинчиликка дуч келган бўлсак-да, 55 центнердан ҳосил кўтардик, — дейди фермер. — Давлат қабул пунктларига етказиб берилган ялли ҳосилнинг 78 тоннасини "Матонат" навли уруғлик ва 38 тоннасини

"Анджон — 2" навли товар дон ташкил этди. Мавжуд 20 гектарлик пахта майдонининг 14 гектарига чигит эмкичи бўлиб турганимизда роса сел келди. Натижада икки марта чигит эчки. Баҳорнинг бир куну бутун кузга татийди, деганларидек, ёгингарчилик тўғрисида қимматли кўнлар бой берилди. Унинг ўрнини қоллаш учун эгат ораларига ишлов бериш, озиклантириш ва "шарбат" билан сўғоришда сувчилар — Суннат ва Амрилло Пўлатов, Комил Шарипов, Баҳриддин Қосимов, механизаторларимиз — Йўлдош Ҳожиёв, Фарид Пўлатов, Анвар Ибрагимов жонбозлик кўрсатишди. Жорий йилда ҳам 45 центнердан пахта ҳосили етиштириш ниятадимиз.

— Ҳисобини билмаган ҳамёндан айрилар, дейишадими?

— Фермер хўжалиқларини кўп-тармоқликка ўтказиш гоёси бекорга сурилмади. Зеро, бундай хўжалиқлар фақат пахта ва галла-га боғланиб қолмасдан, серқирра фаолият юритса, бир соҳада кўрилган моддий зарарнинг ўрни бошқа соҳадан олинган даромад билан қопланади. Бунинг учун хўжалик раҳбаридан жуда катта салоҳият, билим ва тажриба талаб этилади.



Бу борада бобомдан ўрганганларим жуда қўл келаётди. Олинган даромадларимизни тўғри сарфлаб, 1 та TS-135 ҳайдов, 3 та ТТЗ-80 чоппи трактори ва бошқа қишлоқ хўжалик техника ва ускуналарини харид қилдик. Айни кунда хўжалигимизда 50 оила асалари, 15 бош қорамол, 100 та парранда, 2 сотиқ майдонда эса балиқхона мавжуд. Режани 40 центнердан бажарган фермерларга берилган имтиёздан фойдаланган ҳолда 2,5 гектар майдонга помидор экканмиз. Ёзу пайкаллари атрофига ошқоқов, галладан бўшаган 4 гектар майдонга мош, 1 гектарга уруғлик маккажўхори, 10 сотиқдан ловия, қарам, сабзи эчки. 25 на-

фар ишчимизнинг ҳар бирига чорва озукаси сифатида 30 сотиқдан ерга озукабоп экин экиб бердик.

Олтин куз саховатли ўзбек замини узра ўз сепини ёйди. Бобо-деҳқоннинг пешона тери, қалб кўри эвазига яйраб ўсган гўзалардаги бўлиқ чанокларда лўпчи-лўпчи очилган пахталар кўзни қувнатади. Томчида кўёш акс этганидек, "Сувгон Тошраббот кўргони" фермер хўжалиги далаларида яратиладиган ҳосил мамлакатимиз пахта хирмони янада залворли бўлишига ҳисса қўшади.

Мансур АСЛОНОВ,
"XXI asr" мухбири

ТАШАББУС

Таълим тизимидаги ислохотлар, хусусан, халқ таълими вазирининг 2012 йил 7 июндаги "Умумий ўрта таълим мактабининг ички тартиб-қоидаларини такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғига мувофиқ умумий ўрта таълим мактабларида ўз ички тартиб-қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг кийиниши ва ташқи қиёфасига қўйиладиган талаблар жорий этилган эди.

Ижтимоий тенглик таъминланади

Ана шу талаб асосида юртимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун мактаб формаларининг жорий этилиши ўқувчилар ўртасида ижтимоий тенгликни ҳамда ўқувчининг дарс давомида эътибори чалғимаслигини таъминлаш бораберида ўзига хос кўрк вазифини ҳам ўтамоқда.

Қувонарлиси, бундай кўркем ва чиройли мактаб либослари ўзимизда, маҳаллий тадбиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Улар мактаблар билан шартнома тузишиб, буюртма қабул қилишмоқда.

O'zLiDeP аъзоси, Шаҳрихон туманида фаолият юритаётган яқка тартибдаги тадбиркор Нодирбек Шокиров янги ўқув йилида 2 мингдан зиёд ўқувчи учун форма тикиб берган бўлса, партияимизнинг яна бир фаоли, сурхондарёлик тадбиркор Холида Саидова 27 нафар ходими билан биргаликда 4 та мактаб ўқувчилари учун бежирим форма тайёрлади.

— Ўқувчи мактабга фақат илм ўрганиш учун бориши лозим, — дейди Холида опа. — Уларни чалғитадиган нарсалар урф бўлишининг олдини олиш жуда муҳимдир. Таълим муассасаларида бир хил мактаб формасига ўтилгани эса айни муддаодир.

Дилноза НОМОЗОВА,
"XXI asr" мухбири

Жиззах вилояти:

Имкониятлар майдони

✓ Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган эътибор, солиқ қонунчилигини либераллаштириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш самараси Жиззах вилоятида ҳам ўзифодасини топмоқда.

Ислохотлар самараси ўлароқ ўтган ярим йилда вилоятда ялли худудий маҳсулот 9,5 фоизга ўсди, sanoatda 13,7, қишлоқ хўжалигида 5,6, қурилишда 12,8, чакана савдо айланмасида 14,2 фоиз ўсшига эришилди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 сентябрдаги "2030 йилгача Жиззах шаҳрининг бош режасини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ва шу асосда ишлаб чиқилган махсус дастурга кўра вилоятда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳардаги учта йирик бозорда қайта қуриш ва реконструкция ишлари амалга оширилиб, сотувчи ва харидорлар учун қўлай шароит яратилди. Қадимий Кўкбозор ўрнида янги "Марказий деҳқон бозори" барпо этилди. Бозорнинг 5 минг 400 квадрат метр савдо майдонига эга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш ҳудудиди 1 минг 152 та савдо ўрни ташкил этилди.

"Эски шаҳар деҳқон бозори" ва "Эски шаҳар буюм бозори"да ҳам шарқона ва замонавий савдо маданияти талаблари асосида кенг қўламли қурилиш-реконструкция ишлари амалга оширилди. Савдо растаси, дўконлар сотувчи ва харидорга ҳар томонлама қўлай, техник, тозалик, хавфсизлик талабларига тўлиқ

жавоб берадиган тарзда қайта қурилди. Бошқача айтганда, бугунги бозорлар илгаригидек фақат савдо мажмуаси эмас, шаҳар ободлиги, халқимиз фаровонлигининг кўзгусига айланди.

Шу билан бирга "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш доирасида амалга оширилаётган ишлар, тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қўлайлик ва имтиёзлар маҳсулот экспортини кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Ушбу мақсадда Жиззах шаҳридан 364 гектар, Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманидан 150 гектар ер майдони ажратилиб, хорижий инвестициялар иштирокида қиймати 158 миллион 200 минг доллар бўлган 24 та йирик sanoat лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилди. Айни пайтатча 63 миллион 600 долларлик 21 та лойиҳа ишга туширилди.

Марказий Осиёда ягона бўлган "Auto Pad Systems" қўшма корхонасида йилга 520 минг дон тормаз колодкаси, "Roison Home White Goods" қўшма корхонасида йилга 650 мингта телевизор, музлаткич, электр печи ва кир ювиш машинаси каби электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Махсус индустриал зона таркибидagi корхоналарда ҳозиргача 1 минг 100

дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Иш жойларининг 60 фоиздан ортигини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ағаллади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички бозорни таъминлаш бораберида хорижга ҳам экспорт қилинаётди.

"Жиззах" махсус индустриал зонасидаги 14 та корхонада ўтган йили 102 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 6 миллион 400 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Ишлаб чиқариш, транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини шакллантириш мақсадида қарийб 84 миллиард сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди.

Келгусида, яъни 2016-2019 йилларда вилоятимизда енгил sanoatни ривожлантириш буйича 526 миллиард 300 миллион сўмлик 203 та лойиҳани амалга ошириш ва 14 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жорий йил охиригача амалга оширилаётган 58 та лойиҳа хисобидан 4 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади. Бир неча йилдан буён бўш турган "Зилола текс" корхонаси ўрнида ташкил этилган "Орзу текстиль СВ" масъулияти чекланган жамиятига 2016-2017 йилларда 11 миллион 500 минг долларлик инвестиция киритиш хисобидан трикотаж мато тўқиш ва бўйш, тайёр буюм, пайпоқ ва момик сочиқлар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Бу 1 минг 500 та янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Абдукарим ИШНАЗАРОВ,
Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари



Қанча давлат божи тўлайман?

Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмоқчиман. Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қанча миқдорда давлат божи тўланади?
А. Бекмуродов,
Зомин тумани

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги "Давлат божи ставкалари ҳақида"ги қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари мувофиқ тадбиркорлик субъектларини туман ёки шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида юридик шахсларни юридик шахс бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркорларни ва юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатдан ўтказганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорда давлат божи тўлашни белгиланган.

Даъвогар бетоб бўлса...

Турмуш ўртоғим билан ажрашишга қарор қилдим. Уч нафар вояга етмаган фарзандимиз бор, айни пайтда оғир бетобман. Айтинг-чи, мен никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъвоми қаерга тақдим этишим керак?
Н. Акбарова,
Шўрчи тумани

Фуқаролик процессуал кодексининг 241-моддаси ўзинчи қисмига биноан, агар даъвогарнинг вояга етмаган болалари борлиги, шунингдек, ногиронлиги ёки оғир касаллиги тўғрисида у жавобгар яшаб турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига боришга қийналса, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъвогар даъвогарнинг яшайдиган жойида тақдим этилиши мумкин.

Алимент тўловчи хорижга кетса...

Собиқ турмуш ўртоғим чет давлатга кетмоқчи. Бундай пайтда унинг вояга етмаган фарзандларим учун алимент тўлаш мажбурияти қандай бажарилади?
Л. Эшмуродова,
Зарафшон шаҳри

Оила кодексининг 145-моддасига асосан, алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга кетаётганида ўзи таъминот бериши лозим бўлган алимент олувчилар билан алимент тўлаш тўғрисида келишув ёзма шаклда тузилиши шарт. Бундай келишув ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Келишувга эришилмаган тақдирда манфаатдор шахс алимент миқдорининг пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши ва алиментни бир йўла тўлаш тўғрисида ёки алимент эвазига муайян мол-мулкни бериш ёхуд алиментни бошқа усулда тўлаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Автохалокатда соғлигимдан айрилдим

Яқинда бир қонунбузар ҳайдовчининг айби билан автохалокатга учрадим ва оғир даражада шикастландим. Айтинг-чи, соғлиққа шикаст етказилганлиги буйича кўзгатишган ишлар суд томонидан неча кунда кўрилади?
Ҳ. Жўраев,
Тошкент шаҳри

Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддаси иккинчи қисмига асосан, алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек, боқувчининг ўлими натижасида қурилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича кўзгатишган ишлар, башарти тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса, биринчи инстанция суди томонидан судда қуришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай, бошқа ҳолларда эса, йигирма кундан кечиктирмай кўрилиши лозим.

Саволларга Фуқаролик ишлари бўйича Юқори Чирчиқ туманлараро судининг судьяси Равшан АБДУВАЛИЕВ жавоб берди.

XALQ BANKI

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент вилояти филиали Амалиёт бўлими биносини (қўриқлаш, ёнгин ва ташвиш хабари сигнализацияси) воситалари билан жиҳозлаш, сигнализация шлейфларини демонтаж қилиш ҳамда захира электр қуввати аккумулятори ўрнатиш бўйича лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича очик танлов эълон қилади.

1. Танлов мавзуси: "Халқ банки Тошкент вилояти филиали Амалиёт бўлими биносини (қўриқлаш, ёнгин ва ташвиш хабари сигнализацияси) воситалари билан жиҳозлаш, сигнализация шлейфларини демонтаж қилиш ҳамда захира электр қуввати аккумулятор ўрнатиш бўйича лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш".

2. Тижорат тақлифлари нархлар ва техник талаблар бўйича алоҳида-алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим. Тақлифлар 2016 йилнинг 30 сентябрь куну соат 18:00 га қадар қабул қилинади.

3. Тендер ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанбадан жумага қадар соат 09:00 дан 18:00га қадар қўйида кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 46-уй.

Телефон: (0-371) 273-14-37, факс: (0-371) 273-14-37. e-mail: taxil883@xb.uz

Хизматлар лицензияланган

ЭЪЛОН

ИЖТИМОЙ ЭЪЛОН

Солиқ тўловчи жисмоний шахслар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287-моддаларига асосан эгаллигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжалиқлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати

ҳисобот йилнинг 15 октябри-га қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан, мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

РЕКЛАМА

БАНК ВА МИЖОЗ

Юксалишнинг молиявий таянчи

Бугун дастурхонимиз тўкинлиги, бозорларимизнинг турли-туман сифатли маҳсулотлар билан таъминланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси катта. Бунда, айниқса, ушбу субъектларнинг ўз вақтида молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Тадбиркорга таянч

Акциядорлик тижорат "Ипотека банк" худди ана шундай – мамлакатимиз тадбиркор ва ишбилармонларининг том маънодаги молиявий таянчига айланиб улгурган. Биргина жорий йилнинг 1 август ҳолатида ушбу молия муассасаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 670 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилган бўлиб, унинг 151 миллиард 400 миллион сўмини микрокредитлар ташкил этади.

Келгусида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига оид юқори технологияли инновацион лойиҳа, микрофирма, кичик корхона, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш



учун имтиёзли кредитлар ҳамда микрокредитлар ҳажмини янада ошириш кўзда тутилмоқда.

Айниқса, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, иқтидорли ёшлар, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларига сармоя бериш, қишлоқда сервис хизматини яхшилаш ҳам банкнинг асосий йўналишига айланиб улгурган. Мазкур мақсадлар учун юқорида қайд этилган даврда 197 миллиард 800 миллион сўмлик кредит маблағи йўналтирилгани ҳам фикримиз исботидир.

Асосийси, оилавий тадбиркорлик бугун иқтисодийнинг муҳим бўғинига айланиб бормоқда. "Ипотека банк" томонидан мазкур соҳага ҳам 8 миллиард 500 миллион сўм маблағ ажратилди.

Фаровон ҳаёт сари

Аваллари уйнингизга бирор жиҳоз олмакчи бўлсангиз ой, ҳатто йиллар мобайнида рўзгордан зўрга орттириб маблағ йиғишга тўғри келарди. Энди бундай орзулар ҳам бир зумда амалга ошиши мумкин. "Ипотека банк" томонидан юртдошларимизнинг уй жиҳозлари, маиший техника воситалари, мебелга эга бўлиши, ўқиш, даволаниш ҳамда ёш оилаларнинг тўй тантаналарини ўтказиш учун истеъмоладан кредитлари ажратилмоқда. Масалан, банк фуқароларга жорий йил 1 августга қадар ана шу мақсадда 7 миллиард 300 миллион сўм миқдорда маблағ ажратган.

Айниқса, банк муассасаси томонидан ёш тадбиркорларни

молиявий қўллаб-қувватлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Биринчи Президент Ислам Каримовнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони асосида 14 миллиард 300 миллион сўм миқдорда микрокредитлар йўналтирилди.

Шунингдек, мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмоладан ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, "Ипотека-банк" хизмат сифати ва маданиятини ошириш, истиқболли лойиҳаларни ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Чунинчи, ўтган даврда мева-сабзавотчилик, чорвачилик ва паррандачилик тармоқларини ривожлантириш учун 263 миллиард 500 миллион сўм ҳажмда кредит маблағи йўналтирилди.

Замонавий уйлар – давр талаби

Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Айниқса, замонавий кўринишда барпо этилаётган кўркам уй-жойлар кўзни қувонтиради. Номини зикр этилаётган банк жамоаси ушбу хайрли ишдан ҳам четда қолаётгани йўқ, албатта. Унинг сармоялари ҳисобига қу-



риллаётган кўп қаватли уйлар ёш оилаларга имтиёзли кредит эвазига топширилмоқда. Узоққа бормайлик, 2015-2016 йиллар мобайнида ана шундай эзгу мақсадлар учун қарийб 400 миллиард сўм миқдорда сармоя йўналтирилди. Натижада 2 минг 968 та хонадондан иборат 55 та уй барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йил якунига қадар эса қурилиши тугалланадиган 45 та янги уйга яна 1 минг 346 та оила кўчиб ўтиши кутилмоқда.

Умуман олганда, банк миждозлари ўзларига кўрсатилаётган беминат хизматдан мамнун.

Фаррух АЛИМУҲАММЕДОВ, Юнусобод туманидаги "Mega sektor" масъулияти чекланган жамияти раиси:

– Корхонамизда маҳаллий хомашёдан турли хилдаги қурилиш материаллари – металл эшик, темир панжара ҳамда дераза ромлари ишлаб чиқарилади. Фаолиятимизни янада кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида молиявий кўмак беришни сўраб, акциядорлик тижорат "Ипотека банк"нинг Юнусобод тумани филиалига мурожаат этдик. Мурожаатимиз қонуний муддатда қўриб чиқилди ва бизга 91 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Эндиликда маҳсулот турини кўпайтириб, сифатини янада яхшилашга эришяпмиз.

Умуман олганда, "Ипотека банк" хайрли ишларда мададкоримизга айланиб улгурган. Молиявий маблағларни бошқариш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, маҳсулот маркетингини ташкил этишда банк жамоаси бизга яқиндан ёрдам кўрсатаётганидан мамнунмиз.

Собир Йўлдошев, Самарқанд вилоятидаги "Каттақўрғон Жайхуна" агрофирма раҳбари:

– Агрофирмаимиз вилоятдаги хўжаликларга балиқ чавоқлари етказиб беради. Шу мақсадда Оқдарё сув омбори маъмурияти билан шартнома имзолаганмиз. Жорий йилнинг март ойида "Ипотека банк"нинг Самарқанд вилояти филиалига молиявий ёрдам сўраб, мурожаат қилдик ва ажратилган 100 миллион сўм миқдордаги сармоя ҳисобидан кундалик озуқа ва балиқ парварishi билан боғлиқ фаолиятимизни ривожлантирдик.

Эндиликда Балиқчилик илмий маркази билан ҳамкорликда ушбу сув жонзотининг янги турларини кўпайтириш, Хитойдан инкубация ускуналари сотиб олиш, сазан, дўнпешона, оқ амур, африка лаққаси каби балиқлардан ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаш ниятидаммиз.

Шунингдек, зотдор чорва молларини кўпайтириш, иссиқхона ташкил этиш ҳам бизнинг келгусидаги режамиздан ўрин олган. Бу эса қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини юксалтириш, халқни сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ёшларнинг бандлик даражасини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бу каби эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда "Ипотека банк" тадбиркор ва ишбилармонларнинг яқин ва ишончли ҳамкори бўлиб қолаверади.

Собир Ҳайдаров, Бухоро вилоятидаги "Нодирабегим" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси:

– "Ипотека банк" Бухоро вилояти филиали билан 2005 йилдан бери яқин ҳамкорлик қиламиз. Яқинда аҳоли турар жойларини кўкаламзорлаштириш, иссиқлик тизими қувурларини янгилаш учун сармоя сўраб, банк филиалига мурожаат қилдик. Лойиҳаларимиз ўрганилиб, бизга 235 миллион сўм миқдорда сармоя ажратилди. Шу ҳисобдан турар жойларда янги 4 та болалар уйингоҳи барпо этилди, йўлаклар қайта таъмирланди.

Ширкатимизга қарашли 20 дан ортиқ кўп қаватли уйларнинг кириш йуқларига кам қувват тортадиган электр чиқроқлари, эшикларга рақамли қулфлар ўрнатилди. Бу ишларимиз ижобий баҳоланиб, банк томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирландик. Ўзаро молиявий ҳамкорлигимиз келгусида ҳам давом этади.

Носир ТОШЕВ, "XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган

Истеъмоладан маданияти ошади

Истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар туфайли Сурхондарё вилоятида ҳам иқтисодий фаровонликка эришилмоқда. Агар 1990 йилларда вилоятда 100 га яқин саноат корхонаси ва қайта ишлаш цехлари фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 10 мингтадан ошди.

Айниқса, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган эътибор ўз самарасини бермоқда. Жумладан, "Шўрчи дон Омад" шўъба корхонаси, "Жийдали Бойсун", "Фидокор Сурхон Агро-маш", "Султон шарбати агрофирма" масъулияти чекланган жамиятлари каби 100 дан ортиқ корхоналарда дунё тан олган ИСО 9001 – сифатни бошқариш тизими жорий этилиб, жаҳон стандарти талаби даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш бугуннинг талаби эканлигини ҳисобга олган ҳолда марказимиз мутахассислари иштирокида "Сурхондарё вилоятидаги хусусий корхонаси, "Агрохизмат Шиндонг" қўшма корхонасида ИСО 22000:2005 "Озиқ-овқат хавфсизлиги менежменти" халқаро стандарти меъёрлари жорий этилди ва ваколатли идоралар томонидан сертификатлаштирилди.

Ҳозирги кунда вилоятимизда аҳоли эҳтиёжларига мос, юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш мисли кенгаймоқда. Узун, Сариосиё, Денов каби чекка туманларнинг тоғли ва тоғолди қишлоқларида кўп тармоқли фермер хўжаликларини томонидан етиштирилаётган сут ва гўшт, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ривожланган бўлса, марказий ту-

ман-шаҳарларда маҳаллий ва чет эл сармояси иштирокидаги қўшма корхоналар сонининг йил сайин кўпайиб бораётганини таъминлаш, уларнинг экспорт даражасини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланаяпмиз. Марказнинг аккредитланган синов лабораториясида маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар томонидан тақдим этилган қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, электротехника воситалари синовдан ўтказилиб, ушбу масалада нималарга кўпроқ эътибор қаратиш юзасидан жўяли маслаҳатлар берилади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес вакилларининг мурожаатлари асосида 901 та синов баённомалари расмийлаштирилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг барчаси талабга жавоб беради, дейиш қийин, албатта. Жумладан, жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида ўтказилган лаборатория синовлари натижада қарийб 10 турдаги 16 хил маҳсулот истеъмолга яроқсиз, деб топилди.

2015-2016 йиллар давомида мавжуд синов лабораторияларининг техник базасини тақомиллаштириш мақсадида агентликнинг махсус жағфармаси ҳисобидан климатик камера, универсал автоматик синов машинаси, АТП-02 маркали универсал титратор ва махсус таҳлил тарозиси харид қилинди. Кези келганда марказнинг ўз маблағлари ҳисобидан электр ускуналарининг хавфсизлик параметрларини ўлчаш ускунаси, кўп функцияли тестер, ток ўлчачи клешиси ва галогенли намликни аниқлаш воситаси сотиб олинганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

2016-2018 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан тежамкор ва светодиодли электр лампалар, маиший техника воситалари (вентилятор, дазмол), электрон тарозилар ишлаб чиқариш режалаштирилгани, бунинг натижасида марказимизнинг синов лабораториялари аккредитация доираси янада кенгайди.

Сертификатланган маҳсулотлар буйича ўтказилаётган доимий инспекцион назорат натижасида сифатсиз маҳсулотлар сони ва ҳажми йил сайин камайиб бораёпти. Албатта, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технология воситаларининг кенг жалб қилинаётгани, етук ва малакали мутахассислар сафининг кенгайиб бораётгани, аҳолининг истеъмоладан маданияти ошаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз мактаб, лицей ва коллежларда бўлиб, турли тарқатма материаллар ёрдамида тушунтириш ишларини олиб бораёямиз, сифатсиз маҳсулотлар сотилишига йўл қўймастик учун зарур чораларни кўраяпмиз. Зеро, эрта учун бугундан қайгуриш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Ғайрат КАРИМОВ, "Сурхондарё синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси директори.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ "АЛЕКСАНДР РУСТАМОВ" АГРОФИРМАСИ ЖАМОАСИ



Бутун Ўзбекистон халқини мустақилликнинг 25 йиллиги ҳамда Қурбон ҳайити муносибати билан самимий муборакбод этади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахт-ва омад ёр бўлишини тилаймиз.

"КАРМАНА ДЕХҚОН БОЗОРИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



Азиз ватандошларимизни истиқлолимизнинг 25 йиллиги ҳамда муқаддас Қурбон ҳайити билан самимий муборакбод этади. Хонадонингизга тинчлик ва осойишталик, рўзгорингизга қут-барака тилайди.

Хизматлар лицензияланган

МОҲИЯТ



Енгилмас ирода ва матонат спортчиларимизни ғалабалар сари етакламоқда

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти асос солган уч босқичли спорт – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” уйинларининг узокни кўзлаб ташкил этилганлиги аини кунларда ҳаёт ҳақиқати айлани улгурди. Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган XXXI ёзи Олимпиадада аллларимиз қайд этган оламшумул натижалар шуккуҳи хали аримасдан туриб паралимпиячиларимизнинг ҳам зафарли юришлари қалбларимизни яна қувончга тўлдирди.

Олимпия шаҳарчасида 8-сентябрь кўни старт олган XV Паралимпия уйинларининг илк куниданоқ спортчиларимиз наҳд 8 та – 3 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритишди. Дзюдочимиз Шерозод Намозов илк олтин медални олиб берган бўлса, Уткирбек Ниғматов жамоадошининг натижасини такрорлади. Уша кўни енгил атлетика баҳсларида Хусниддин Норбеков паралимпия рекордини янгилаб, мадхиямиз садлари остида байроғимизни музаффар этди. Шунингдек, эркаклар ўртасида 100 метрга баттерфляй усулида сузишда Кирил Паньков кумуш медалига сазовор бўлди, худди шу йўналишда аёллар баҳсида Муслимаҳон Одилова ҳам терма жамоамиз ҳисобига кумуш медални қўшиб қўйди.

Шу пайтга қадар паралимпия уйинларида бирорта ҳам олтин медал қўлга киритилмагани ҳисобга олинса, мусобақанинг биринчи куниданоқ кўтаринкилик ва шижоат кейинги кунларда байрамлару рекордларга уланиб кетди.

Мусобақанинг иккинчи кўни спортчиларимиз делегациямиз газнасига учта бронза медалини тақдим этишди. 10 метрга ўқ отишда Сервер Ибрагимов, дзюдода Феруз Саидов ва Турсунпошша Нурметовалар шохсупадан жой олишди.

Паралимпия уйинларининг энг қизгин палласи – учинчи кўнига келиб эса вақилларимиз худди биринчи кўндагидек яна 8 та медални қўлга киритишди. Дастлаб дзюдочи полвонимиз Одил Тулендибоев барча рақибларини мутлақ ғалаба – иппон баҳси билан мағлуб этиб, ўзбек курашчиларининг асл қудратини исботлаган бўлса, яна бир полвонимиз Хайитжон Алимова кумуш медалига сазовор бўлди. Шунингдек, Шухрат Бобоев, Ширин Шарипов ҳамда Гулруҳ Раҳимовалар бронза медал билан тақдирланди. Эътиборлиси, умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон дзюдо терма жамоаси 3 та олтин, 1 та кумуш ва 6 та бронза медал билан биринчи ўринни қўлга киритди. Умуман олганда, дзюдо спорт турида жами ўн бир нафар спортчимиз иштирок этган бўлса, улардан наҳд ўнтаси соеврини ўринларини баъд этишди.

Уша кўни 200 метрга комплекс сузиш мусобақалирида ҳамюртимиз Фотимаҳон Амилова маррага иккинчи бўлиб этиб келиб, кумуш медал билан кифояланган бўлса, Донёр Солиев узунликка сакраш бўйича учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақанинг тўртинчи кўнида матонатли спортчиларимиз бир йўла иккита олтин медалга сазовор бўлишди. 100 метрга брасс усулида сузиш бўйича Фирдавсбек Мусабоев тенглар ичра тенгис бўлган бўлса, Фотимаҳон Амилова бу пайтга қадар 100 метрга баттерфляй ва 200 метрга комплекс усулида сузиш баҳсларида кумуш ва бронза медалларига эга чиққанди. Қайд этиш керак, Фотимаҳон ўша кўни 100 метрга брасс усулида сузишда ўзининг том маънода енгилмас ирода сохибаси эканлигини яққол намён этиб, азалий орсуси – Паралимпия олтин медалини қўлга киритибгина қолмай, балки бу борадаги рекорд-ни ҳам янгилаб қўйди.

5 кунлик якунларга кўра, тош кўтаришда Ахрор Бозоров бронза медалига сазовор бўлган бўлса, 400 метрга эркин усулда сузишда Дмитрий Хорлин ҳам учинчи ўринни эгаллади.

14 сентябрь кўни енгил атлетиканинг найза отиш йўналишида Александр Свечников 65,69 метр натижа билан Паралимпия уйинларининг рекордини янгилади ва мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди. Шу билан бир қаторда енгил атлетиканинг аёллар ўртасида ядро улоқтириш мусобақасида иштирок этган София Бурханова 15,05 метрлик кўрсаткич билан мусобақанинг кумуш медалини қўлга киритди. Шунингдек, беллашувларнинг еттинчи кўни Муслимаҳон Одилова XV Паралимпия уйинларидаги ўзининг иккинчи кумуш медалини қўлга киритди. Аввал хабар бериб ўтганимиздек, Муслимаҳон 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича кумуш медалига сазовор бўлганди. Бу сафар энди ҳамюртимиз 50 метрлик масофани эркин усулда 28 сония ичида сузиб ўтиб, яна бир кумуш медални сохибасига айланди. Ушбу масофага эркин сузиш бўйича учинчи ўрин Шохсанам Топшўлатовага насиб этиб, у делегациямиз газнасига яна бир бронза медалини қўшиб қўйди. Бунгача эса Шохсанам 200 метрга комплекс усулида сузиш баҳсларида ҳам бронза медал билан тақдирланган эди.

Эркаклар ўртасидаги мусобақаларда эса 50 метрга эркин сузишда Музаффар Турсунқўжаев ҳам бронза медалига сазовор бўлди. Эътиборлиси, мазкур медал Музаффар учун ҳам XV Паралимпия уйинларидаги иккинчи бронза бўлди. У 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича ҳам бронза медал билан тақдирланган эди.

Енгил атлетиканинг ядро улоқтириш мусобақасида Хусниддин Норбеков бу сафар бронза билан кифояланди. Бунгача эса мусобақаларнинг биринчи кўни Хусниддин диск улоқтириш баҳсларида рекорд ўрнатиб Паралимпия уйинларининг олтин медалига сазовор бўлганди.

Энг муҳими ҳозирги пайтга келиб делегациямиз ҳисобида 7 та олтин, 6 та кумуш ва 17 та бронза медаллари мавжуд бўлиб, паралимпиячиларимиз жами 30 та медал билан умумжамоа ҳисобида 13-ўринни баъд этиб туришди. Бизнинг жамоамиз медал жамғариш бўйича Осиё ва МДҲ давлатлари орасида иккинчи ўринда бормоқда.

Аслиддин АЛМАРДОНОВ

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

Ҳамёнбоп маҳсулот ҳаммага манзур

Енгил сановат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Косон ривож текстиль” оилавий корхонасида асосан ёшлар меҳнат қилишади. Корхона раҳбари Лобар Қурбонованинг таъкидлашича, келажакда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш режалаштирилган. У яқинда бўлиб ўтган “Ёш тадбиркор – юртга мададкор” кўрик танловининг вилоят босқичига қиймати 126 миллион сўмлик лойиҳасини тақдим этган эди. Мазкур бизнес

режа ҳакамлар томонидан юқори баҳо-ланди ва ёш тадбиркор кўрик танловининг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. – Маҳсулотларимизга бўлган талаб ошиб бораёпти. Шу босис фаолиятимизни янада ривожлантириш, – дейди Лобар Қурбонов. – Бизнес режамиз асосан замонавий ускуналар ёрдамида янги услуб ва бичимдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, матога турли шакллар босиш йўлга қўйилди. Натижада 6 нафар коллеж битирувчи-

сини иш билан таъминлашга имконият яратилади. Тикувчилик цехида бугун 70 турга яқин маҳсулот тайёрланмоқда. Айниқса, аёллар ва эркаклар либослари, болалар кийим-кечаклари, шунингдек, кўрпа-тўшак, трикотаж маҳсулотлари юқори сифатли ҳамда харидоригр, энг муҳими, ҳамёнбоп.

Орзигул ЙЎЛДОШОВА, ЎзДЖТУ халқро журналистика факультети 2-босқич талабаси

РЕКЛАМА УРНИДА

Сифат – кафолат белгиси

“Сирдарё синав ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси бугунги кунда ўз таркибига Маҳсулотларни сертификатлаштириш идораси, давлат метрологик назорати бўлими, аккредитланган синав мажмуаси ва сифат тизимларини жорий этиш бўлимларини бирлаштирган. Марказ аккредитация доирасида маҳсулотларни даврий синавдан ўтказиш ва сертификатлаштириш, сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекция назоратини ташкил этиш, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан имзоланган соҳава оид битимларига асосан улар томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини пан олави ҳолда сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекция назоратини бўлга қўйиш ҳамда маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш билан боғлиқ ишларни амалга оширади.

Шунингдек, мазкур давлат корхонаси томонидан қўйидаги хизматлар кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган.

Метрология соҳасида:

- оптика, иссиқлик техникаси, геометрия, вақт, босим, ҳажм ва сарф, ҳарорат, электр ва газ ўлчов воситаларини қўйиш ва калибровка хизматларини ташкил этиш;
- ўлчов воситалари ва синав ускуналарини метрологик аттестациядан ўтказиш;
- консултация хизматлар кўрсатиш.

Сифатни бошқариш тизимлари мувофиқлигини тасдиқлаш борасида:

- корхонада ISO 9001:2015, ISO 14001:2004, ISO 22001:2005, OHSAS 18001:2007, ISO 50001:2012 халқро стандарт талабларига мувофиқ сифатни бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ходимлар учун ўқув курслари ташкил қилиш, билим ва малакасини тақомиллаштиришда кўмак бериш;
- агентлик хизмати кўрсатиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш юзасидан семинарлар ўтказиш ҳамда меърий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, лабораторияларни аттестацияга тайёрлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш.

Ишонч телефонлар: (0-367) 225-16-34
e-mail: ssmmk@mail.ru, sirdaryossmk@ext.uz, sirdaryossmk@rasp.uz
Веб-сайт: www.sirdaryossm.uz

Хизматлар лицензияланган

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши партиянинг маъмурий ҳўжалик ишлари бўйича бўлим мудири Баҳадир Маткаримовга отаси Қайипберген ота Маткаримовнинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

ASR
HAFITALIK NASHR

Бош мухаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Солижон ТУРДИЕВ	Кўвондик САНАКУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ	Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ	Алҳам ШОДМОНОВ
Абдумажид КАРИМОВ	Расул КУШЕББАЕВ
Алишер ШАЙХОВ	Виктор ГАК
Илҳом МИРЗО	Бегмат ОЧИЛОВ

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 75А-уй.
электрон почта: xxi_asr@gmail.uz
Телефонлар: қабулхона – 215-63-80 (тел./факс), Котибият – 281-40-17
Реклама ва шартнома-лар бўлими – 215-60-45, 255-68-50



Азиз САИД, шоир:

– Глобаллашув аталмиш шиддатли жараённинг баъзи иқтисодий-маданий алоқаларининг тезкорлигига хизмат қилишдек афзаллиги бўлиши билан бирга, инсоннинг нафақат ички оламини, балки мақсадларини, ҳатто жамиятни ўзгартириб юборишга эга қудратини ҳис қилиб турибмиз. Шунинг учун ҳам кино, мода, эстрада клиплари, мультфильмлар, кўнги-лочар шоулар, компьютер уйинлари либосига ўралган “оммавий маданият” “жонболзлиги” дан ташқари, мобил телефон билан “нафас олиш” ва интернет “ичида яшаш” тарзининг оммалашиб бораётганига бутун дунё “даво” топиш билан машғул. Гўё XXI аср бошига келиб, яшаб турган оламимизга параллел яна бир олам – чегараси йўқ, қонун қоидаси йўқ, фуқаролиги йўқ мобил ва виртуал олам пайдо бўлгандай. Энди шоирнинг “Чекка бир қишлоқнинг чекка уйида” сатрини “Глобал қишлоқнинг гло-

бал уйида” деб бемалол ўзгартирса ҳам бўлади.

Бу муаммо ўз халқининг маънавияти учун қайғураётган жуда кўп давлатлар олдида кўндаланг турибди. Жумладан, бизнинг ҳам. Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарига қалб тарбияси борасидаги бутун муаммолар, хусусан, глобализмининг салбий бўҳронларига қарши туришга пойдевор бўладиган маънавий меросимиз, ахлоқий қадриятларимиз атрофлича таҳлил қилинган ва ечимлар кўрсатиб берилгани, айниқса, инсон маънавий оламини, қалбини бутун сақлайдиган воситалардан бири адабиёт эканлиги алоҳида таъкидлангани ҳам бежиз эмас. Бизнинг адабиёт ва қалб тарбияси борасидаги мулоҳазаларимизга яна шундай жавоб ҳам оламиз: “Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажак-гини улғаймоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуг адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса – миллат яшайди”.

Энди, бу вазифани бажарувчилар кимлар – ота-онами, ўқитувчиларми, олий ўқув даргоҳими, катта шоир ёзувчиларми деган саволларга жавоб ва амалий ҳаракатлар та-

лаб қилинади. Зеро “тарбиялашимиз керак” деб ҳам бежиз айтилмапти. Бу адабиётга фидойиликни, қалби пок, билимдон устозларнинг саботли меҳнатини, ёш истеъодларни болалигиданоқ саралаб йиғишни талаб қилади. Ижодкорни тарбиялаш албатта

машаққатли иш, аммо эртага шундай ҳосил берадики, бунинг мисолини пойтахт ва вилоятлардаги махсус мактабларимизда, академияларимизда тарбия топаётган ва жаҳонни лол қолдираётган мусиқачи, гимнастикачи, шахматчи ва футболчи ёшларимиз тимсолида кўриш мумкин.

Қадим-қадимдан таълим-тарбия мажбурий бўлган ва бу ўзини ҳозирга қадар оқлаб келяпти. Одамзод билим ва тафаккурининг маҳсулини, юраги ва руҳиятининг тарихини кейинги авлодга қолдирадиган бошқа йўл тополгани йўқ. Масалан, бизда икки босқичли ўн икки йиллик таълим мажбурий. Натижами, марҳамат – биз саводхонлик бўйича дунёдаги жуда кўп мамлакатлардан, ҳатто АҚШдан ҳам олдинда турамиз. Ўқувчи ёшларимиз кимё, математика бўйича халқро олимпиадаларда олтин медалларни олиб келишга ётгани ҳам мажбурий таълимнинг қонун билан йўлга қўйилгани тўғрисида, деб ўйлайман.

Адиба УМИРОВА ёзиб олди.

ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“Asaka” bank

2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

“СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА”

Ушбу омонатга хисобланган фойзалар хар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга “Asaka” bank миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қўлай шартларда омонат турларини тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фаргона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкчилик филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- ниқдор чекланмаган!

“Asaka” bank – сармомиянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Амударё тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутати Ражапбай Йўлдашевнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардик билдиради.

“XXI asr” ixtimoiy-siyosiy gazetasini Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда 10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 966 Тираж: 8290 Баҳоис келишилган нархда. Топширилди – 02:00

Тахририят келган қўғазмалар таърих қилинмайд ва муаллифга қайтарилмайд.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларда маъна сифатида газета номи кўрсатилма шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр Маъруфжон Раҳмонов томонидан сақланган.

ISSN 2181-497X

НАШР КўРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Наббатчи мухаррирлар: А. МУЗАФФАРОВ, С. ЗОИРОВ